

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! ЎЗБЕК УЗУМИНИНГ ДУНЁ САФАРИ

— Меҳнатнинг осони йўқ, — дейди Зангиота туманидаги "Носир жаннат боғи" фермер хўжалиги раҳбари Носир Нуртоев. — Мақсадга тинимсиз изланиш, машаққат билан эришилади. Узумчилик ҳам шундай. Бу иш билан шуғулланиш бизда оилавий қадрият саналади. Ташвиши кўп, аммо даромади ҳам шунга яраша. Кишлоғимизда бекорчи йўқ, қимирлаган жон борки, меҳнат қилаётти. Шу боис турмуши ҳам яхши. Тўқис яшаш — бор имкониятдан фойдаланиб меҳнат қилишга боғлиқ.

Хўжалик 2006 йили ташкил этилганда ери 6 гектар эди. Бугун эса, аъзолар 31 гектарда "Хумойи", "Қора гўзал", "Нажимий", "Тоифи", "Ризамат", "Обаки", "Баён ширин" каби сархил узумлар етиштиришмоқда. "Матонат", "Қора узум" агрофирмалари ҳамда "Тошкент вино комбинати" билан шартнома тузишган.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: фермер Носир Нуртоев (ўртада) хўжалик аъзолари билан.

Азамат АХМЕДОВ олган сурат.



Инвестиция

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА

Юқори Чирчиқ туманидаги "MED STANDARD GLASS" масъулияти чекланган жамияти Ўрта Осиёда ягона тиббий чинни найчалар ишлаб чиқармоқда.

2013 йилда ташкил топган корхонада 100 га яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Бу ерда уч хил маҳсулот (ампула, флакон, найча) ишлаб чиқарилади. Автоматлашган линия соатига 2400 дона чинни найча тайёрлаб беради.

Яқинда корхонада йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди, жиҳоз ва ускуналар чет элдан олиб келинди.

— Тиббий найча ишлаб чиқариш жараёни анча мураккаб, чунки, чинни жуда юпка ва қаттиқ, — дейди корхона раҳбари Шерзод Жўраев.

— Авваллари маҳсулотни

Хитойдан олиб келар эдик, — дейди корхона мижозларидан бири — "UZGERMEDPHARM" қўшма корхона ижрочи директори Абдурахмон Назаров. — Ҳозир ҳаммаси қулай бўлди. Ҳеч қандай навбатсиз, устама тўловларсиз заводга келиб, найчаларни харид қилишимиз мумкин.

Хар бир цехга янги, замонавий ускуналар ўрнатилган, маҳсулот сифати мунтазам назорат қилиб борилади. Келажакда маҳсулотни ички ҳамда ташқи бозорда кенг танитиш, корхонани йириклаштириб, қўшимча иш ўринлари яратиш режалаштирилмоқда.

Махмуд ИСРОИЛОВА.

ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛИСТИКА: КАФТДАГИ ОЛАМ

Пойтахтдаги "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда "Миллий интернет-журналистика ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзусида икки кунлик илмий-амалий семинар ташкил этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси вакиллари, Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетлари ўқитувчи ва талабалари, вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари раҳбарлари ва ходимлари, медиа-соҳа экспертлари, марказий ва ҳудудий босма ОАВ ва Интернет журналистлари, блогерлар иштирок этган тадбирдан мақсади миллий интернет-журналистиканинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тамойилларини муҳокама этиш, етакчи ва ёш мутахассислар ҳамда блог-соҳа экспертлари ўртасида тажриба алмашиш учун мулоқот майдони яра-

тиш, веб-нашрларда мақолалар сифатини яхшилаш ва хилма-хиллигини таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш. Интернет-ОАВни ривожлантиришга доир қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда онлайн-журналистлар билимлари ва маҳоратини оширишдан иборат.

Интернет соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар самараси ўлароқ йилдан-йилга веб-сайтлар кўпаймоқда. 2010 йил февралда ўн мингчи веб-сайт қайд этилган бўлса, бу йил сентябрда, ўлар 18,3 мингдан ошди. Семинар якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан батафсил маълумотларга эга бўлишди. Фикрлар алмашиш, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиди. Хурида НАЗАРОВА.

2014 йил — Соғлом бола йили

...Болалигимизда футбол ўйнаш учун жой муаммо бўларди. Ҳосили йиғиб олинган экин майдонларида лой-чанг аралаш тўп тепардики.

КИЧИК СТАДИОНЛАРНИНГ КАТТА ФОЙДАСИ

Тенгдошларим орасида истеъдодлилари кўп эди. Улар кишлоғимиз ёки бирор яқин ҳудудда шу спорт турига ихтисослашган тўғрақ очиқлигини, келажакда мохир футболчи бўлишни орзу қиларди. Аммо, у кезларда бугунгидек: "Нимага қизиқсан, келажакда ким бўлмоқчисан?" деб биров сўрамасди. Ёшларнинг қизиқиши ёки иқтидорига қараб шароит ва имконият яратиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган.

Бугун кишлоғимизда учта кичик стадион болалар ўрнига янги бўлиб кўриб чиқилди. Ҳаммаси замонавий, кийим алмаштириш, ювиниш хоналари озода, батариб. Томошабинлар учун яратилган шароитлар шаҳарниқидан қолишмайди.

(Давоми 2-бетда).

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Бугунги кунда оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қилдиган тиббиёт муассасалари — скрининг ва перинатал марказлар, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқхона мажмуалари, гинекология ва

патронаж хизматлари, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид сарф-ҳаракатлар яхши самара бермоқда.

Олмалик шаҳри "Кама-лак" маҳалласидаги туғуруқ мажмуаси шундай марказлардан бири. Бу тиббий муассаса мисолида юртимизда оналар ва болалар соғлиғига катта эътибор қаратилаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Катта тажрибага эга Нурали Султонов раҳбарлигидаги жамоада 22 олий тоифали шифокор, 57 доя ва 90 дан зиёд ҳамшира ишлайди.

— Кеча тунда жарроҳлик амалиётини қўлашишга тўғри келди, — дейди туғуруқхона бош шифокори Нурали Султонов. — Шукр, она ҳам, бола ҳам соғ-саломат. Тонгда улардан хабар олгани кирдим. Аёлни юз-кўзларида қувонч, табассум. Бизни дуо қилиб, жамоамизга раҳмат айтди.

Мажмуа 5 бўлимдан иборат. Хоналар замонавий жиҳозланган, она ва бола учун алоҳида ётоқ, буюм жавони, чақалоқни кўриқдан ўтка-



зиш учун махсус стол муҳайё. Шифокор ва ҳамширалар пойтахтда тез-тез малака ошириб туришади.

— Бу узлуксиз тизим соҳамиздаги янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлишимизга имкон бераётти, — дейди доялик бўлими мудир Умринисо Исмоилова.

Туғуруқхона мустаҳкам

моддий-техник базага эга бўлиб, ҳар бир бўлим замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Сунъий нафас олдириш аппаратлари, инкубатор, инфузатор, кардиомонитор оғир аҳволдаги болаларга аниқ ташхис қўйиш имконини беради.

Муқаддас ИСРОИЛОВА. Даврон АХМАД олган сурат.

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XXXVI СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXXVI сессияси 2014 йил 20 сентябрь кuni соат 10:00 да чақирилсин.

Вилоят ҳокими

А. УСМОНОВ.

Тошкент шаҳри, 2014 йил 19 сентябрь.

Маънавият

АСЛИЯТ ВА ВОҚЕЛИК

Тасаввуфнинг илм сифатида шаклланишига улкан ҳисса қўшган кўплаб уламолар юртимиздан етишиб чиққан бўлиб, улар ёзиб қолдирган асарлар халқимизнинг маънавий меросига айланган. Юртимизда кенг тарқалган "Нақшбандия" тариқати таълимотида устоз ва шогирдлар учун илм фарзлиги, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш зарурлиги, оилани унутмаслик ва ислом аҳкомларини мутаассибона талқин қилмаслик хусусида жиддий ва масъулиятли талаблар қўйилган. Бунинг учун эса илм керак. Зеро, турли нотўғри ғоялар илмсизлик орқали келиб чиқиши мумкин.

Баъзи сохта тариқатчилар тасаввуфнинг мазмунини бузиб, унинг таълимотини шарият аҳкомлари ва ижтимоий ҳаётдан узоклашган ҳолда талқин этишмоқда. Исломда бирор шайхга

мурид бўлиш ҳеч қандай фарз қилинмаган. Тариқатчиларнинг "Пири йўқнинг пири шайтон" деган хато даъвоси ҳеч қандай шаръий далилга эга эмас. (Давоми 2-бетда).

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni

ФИДОЙИСИЗ, ЖОНКУЯРСИЗ, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

Хушxabарнинг қаноти бор дейишадди. Юқори Чирчиқ туманидаги 33-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Юлдуз Бобобекованинг Президентимиз Фармонига мувофиқ "Шухрат" медали билан тақдирлангани бир зумда бутун вилоятга овоза бўлди. Ўз касбининг фидойиси, жонкуяр муаллима фарзандлари, яқинлари, қавму қариндошлари, дўсту ёрларининг кутловлари оғушида қолди.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ КОРХОНА БАРЧАГА МАНЗУР

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилаётганидан оқилона фойдаланган окқўргонлик Малика Болтабоева "Самир Текстиль" корхонасини ташкил этиб, маҳаллий 60 ўй бекасини муким ишли қилди.

— Ҳозир тайёрлаётган маҳсулотларимиз асосан газ идораси ходимлари учун мўлжалланган бўлиб, келгусида аҳоли талаб-истакларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз, — дейди Малика Болтабоева. Абдуҳамид МУСОҚОВ.

Пири бадавлатларимиз

Абдурахмон ҳали мактабни тугатмасидан бошланиб қолган Иккинчи жаҳон уруши унинг келажакда олим бўлиш ниятини бир неча йил орта суриб юборди. Шу боис у олий илм даргоҳига урушдан анча улғайиб қайтган аскар сифатида келди. Урушда бир неча бор ўлим билан юзма-юз келди ва оғир яраланди, лекин тушқунликка тушмади. Ҳатто ўнг қўлининг билакдан пастини

йўқотганида ҳам келажакка умид билан қаради. Институтни имтиёзли тугатиб, аспирант, фан номзоди, фан доктори илмий даражалари ва профессор унвонига эришди. Салкам 30 йил "Ёғлар технологияси" кафедрасига мудирлик қилди, бир неча китоблар, юздан ортик илмий мақолалар ёзди. 38 та ихтиро ва муаллифлик гувоҳномаларига эга бўлди.

МЕҲНАТИДАН ҚАДР ТОПДИ

Олим озиқ-овқат ва кимё технологияларини ривожлантириш ва мукаммаллаштириш

даги хизматлари, кўплаб қимматли тақлифлари, хусусан, ёғлар сифатини ях-

шилашга оид илмий-амалий ишлари билан шухрат қозонди. (Давоми 2-бетда).

ДЕПУТАТ НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШДА ПАРТИЯНИНГ ЎРНИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган ва кучли ислохотлар замирида аввало, инсон манфаатлари, халқимизга му-

носиб турмуш шароитини яратишдек эзгу мақсад мужассам. Буни аҳолининг мақсадли ва манзилли ижтимоий ҳимояси йилдан-йилга кучайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Хўш, бу жараёнларда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти қандай бўлмоқда? Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу муҳим ижтимоий манфаатли ҳаракатларда нималарга

эришмоқда? Қонунда белгиланган ваколатларини қўллаш орқали партия депутатлик гуруҳлари ўз вазифаларини қай даражада адо этмоқда? Шу саволларга жавоб топиш мақсадида

(Давоми 3-бетда).

Пири бадавлатларимиз

МЕҲНАТИДАН ҚАДР ТОПДИ

У ёғ ишлаб чиқаришнинг мураккаб жараёнларини фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида ташкил этиб, ишчи кучи ва қувватни тежаган ҳолда олий навли ёғ маҳсулотларининг бир неча турларини яратди. Махсус пахта ёғи, ўсимлик мойларининг бир неча хили, маргариннинг 10 дан ортиқ турлари узоқ изланишлардан сўнг юзага келди. Олимнинг иш столида яратиладиган бу маҳсулотлар токсикология, дегустация, харидор-гирлик синовларида ўтиб, илмий ва техник

кенгаш тавсифи билан истеъмолга чиқарилади. Заҳматкаш олим жонкуяр мураббий сифатида ҳам эътироф этилган. У 16 фан номзоди ва 4 нафар фан докторига устозлик қилди. Ҳозирги кунда уларнинг айримлари академик даражасига эришиб, кимё фани турли соҳаларида ишламоқдалар.

Тўқсон ёшни қаршилаган олимнинг ҳамон серзавқ, тетик юришида умр йўлдоши Матлуба аянинг хизматлари беҳисс. У олимнинг илмий изланишларида ёнма-ён туриб, тажрибаларини бирга ўтказган. Шунингдек, оиладаги уч ўғил ва бир

қизнинг фан фидойиларига айланганлари ҳам отанинг белига қувват бўлди.

Олимнинг катта ўғли Ҳожиакбар кимё фанлари номзоди. Сувда эрувчи полимер моддаларни синтез қилиш, физик ва кимёвий хоссаларини ўрганиб, халқ ҳўжалигида фойдаланиш усулларини яратди. Нефть ва газ конларини бургулашда ўзи синтез қилган полимер моддаларни қўллади, нефть ва газ қазиб чиқариш санатига жорий қилди. Ҳозир у Тошкент ирригация ва мелiorация институтда доцент лавозимида ишлайди.

Ота изидан борган ик-

кинчи ўғил – техника фанлари доктори, профессор Саидакбар бир неча йиллардан буён олий муҳандис-педагоглар малакасини ошириш марказида профессор вазифасида ишлаш билан бирга устозлик қилиб, фан номзодлари тайёрлапти.

Кенжа фарзанд Анвар техника фанлари номзоди, доцент. Кимё-технология институтининг умумий кимё кафедрасида ишлайди. Унинг илмий ишлари гўзапо ва пахта гудрони асосида полимер композицияли материаллар олиш ва халқ ҳўжалигида қўллашга бағишланган.

Хулоса қилиб айтганда,

ҳамма фарзандларининг илмий ишлари ота бошлаган заҳматли йўлнинг давоми бўлиб, пахта ва ундан олинадиган маҳсулотларнинг чқиндисиз технологиясини яратишга хизмат қилмоқда.

– “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иxtирочи ва рационализатор” унвонини шахсан Президентининг ўзлари қўсимга тақиб қўйганларини ҳаммаша мамнуният билан эслаб юраман, – дейди Абдурахмон ота Абдурахимов. – Зеро, бу мустақил юртимизда заҳмат чекиб меҳнат қилган, албатта, қадрланишидан далолатдир.

Ҳикмат МАХСУМОВ.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ФИДОЙИСИЗ, ЖОНКУЯРСИЗ, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

– Уйда ўтиргандим, пойтахтда яшайдиган шогирдларимдан бири кўнгирок қилиб: “Табриклиман устоз” деса, ҳайрон бўлиб, “Ҳа, тинчликми?” дедим, – ҳикоя қилади муаллима. – “Шухрат” медали билан тақдирланганимни айтганда, тўлқинланиб кетганимдан кўзимда ёш қалқиди. Камтарин меҳнатим юксак қадрланганидан беҳад шод бўлдим. Бундай эътибор ва рағбат мени жуда руҳлантирди. Давлатимиз раҳбарининг ўқитувчиларга кўрсатаётган ғамхўрлиги бизни янада фаоллик, фидойиликка ундайди. Шу билан бирга, зиммаимизга ишончи оқлашдек масъулият юклайди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юлдуз Бобобекова 35 йиллиги, ёшларга математика фани силрларини кунт билан ўргатиб келмоқда. Қолаверса, устоз ўзининг иш услуби, болаларини фанга жалб эта олиши, дарсларни ўзига хос усулда ўтиши билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. Эътиборлиси, у ҳаммаша замон билан ҳамнафас яшашга, кун сайин ривожланаётган таълим технологияларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Фарзандлари ҳам ота-онасидек ўқимишли, уларнинг хулқ-одобига маҳалладошлари ҳавас билан қарашади.

Фидойи устознинг ёш авлодни тарбиялашдаги саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бериб, қўллаб шо-

гирдлари танлаган соҳасининг етуқ кадрлари бўлиб етишяётгани ҳам бор гап.

– Ҳар бир ўқитувчининг кўнглида у қайси фандан дарс беришидан қатъи назар ўғил-қизларни Ватан қорига яраш, уни севиш ва ардоқлашга ўргатишдек эзгу мақсад ётади, – деди устоз. – Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда: “... барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини куриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш орзуси туради”.

Дарҳақиқат, мустақил-

лининг илк йиллариданоқ таълим-тарбия соҳасига эътибор қаратилиши беҳиз эмас. Ўтган даврда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, нафақат халқимиз, балки ёшларимизнинг тафаккури ва дунёқарашини ҳам тубдан ўзгартирди.

2014 йилда 380 та умумтаълим мактаби ҳамда 161 та касб-хунар коллежи ва академик лицейни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 410 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтириш мўлжаллангани таълим-тарбияга амалда катта эътибор берилаётганидан дарақдир.

Ирода НОРОБОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири.

Маънавият

Кўр-кўрона маҳси-қалиш кийиб юриш ва замонавий либосдаги фуқароларга нисбатан қибрилиш муносабатда бўлиш, пухта диний ва дунёвий илм олишга интилимаслик исломда риёкорлик ҳисобланади. Баъзи ҳудудларда “пир”га эргашган “тариқатчилар”нинг гўёки мазкур шахсга муридларнинг қазо бўлган намози ва рўзаси соқит этилиши ҳақидаги даъвоси исломга бутунлай зиддир.

Сўфийликни даъво қилаётган шахслар оиласини оилаб маблағсиз, болаларини тарбиясиз қолдирган ҳолда “пири”нинг хизматини қилиб юриши ва бировнинг эҳсони билан кун кечирishi иxtимониди сузсаларда, кўпала шогирдлар етиштирсаларда, ўз касбларига эга бўлганлар ва шу касбнинг орқасидан ҳалол еб, таъмадан йироқ яшаганлар. Уларнинг аксарияти кимёгар, савдогар, этикдўз, пичоқчи, темирчи, хумдон ясовчи, ҳатто ҳаммол бўлишган. Хусусан, Шайх Баҳауддин – кимхобга гул нақшлаган, уларнинг пирлари Сай-

табда дунёвий илм олишига монелик қилиши жаҳолатга қайтиш бўлиб, бундай шахслар келажақда жамият учун фойдасиз унсурга айланади.

Тасаввуфнинг буюқ даргалари илму маърифат уммониди сузсаларда, кўпала шогирдлар етиштирсаларда, ўз касбларига эга бўлганлар ва шу касбнинг орқасидан ҳалол еб, таъмадан йироқ яшаганлар. Уларнинг аксарияти кимёгар, савдогар, этикдўз, пичоқчи, темирчи, хумдон ясовчи, ҳатто ҳаммол бўлишган. Хусусан, Шайх Баҳауддин – кимхобга гул нақшлаган, уларнинг пирлари Сай-

йид Кулол – кулолчилик қилган, паҳса урган. Бу каби меҳнатда зийнат, илмда ҳикмат топган, бошқача айтганда, қўллари меҳнатда, диллари Аллоҳда бўлган даргалар тарихда кўп. Улар диний ва дунёвий илмлари, касбу ҳунарлари билан ўзи

ҳамда оилауси қариндош-уруғи, эл-юртига фойда келтириб, авлодларга ибрат бўлганлар.

“Илм олмоқ нафл ибодатдан афзал” де-

ган ибора замирида улкан маъно бор. Илм ўрганиш, ўзгаларга ўргатиш, фарзанд тарбиялаш, чиройли оила барпо этиб, доимо эзгулик йўлида юриш, яхши фикрлаш, рост сўзлаш, гўзал амаллар қилиш билан инсонийлик мартабаси ошади. Одамлар қорига яраб, атрофдагиларга ҳолис назар билан қараб, кўнгил мулкни бойитиш мумкин. Отана ризолигига эришиш, яқинларнинг кўнглига малҳам бўлиб, одамларга зиё таратиш аслида инсонийлик мезонидир.

Азимжон АЛИМЖОНОВ,
Олмалиқ шаҳар
имом-хатиби.



КИЧИК СТАДИОНЛАРНИНГ КАТТА ФОЙДАСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида спортга ҳам, спортчиларга ҳам муносабат тубдан ўзгарди. Спортни оммавийлаштириш, айниқса, болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда олимпия ва чекка қишлоқларда ҳам замонавий стадионлар бунёд этилмоқда, мавжудлари талаб даражасида реконструкция қилинмоқда.

Соғлом бола йилида бу борадаги ишлар янада кенгайди. Жойларда йил муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ижроси доирасида кўпала спорт иншоотлари, хусусан, мўъжаз футбол майдонлари бунёд этилаётгани фарзандларимизнинг спортга бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Футбол бир неча спорт турига хос ҳаракатларни ўзида мужассам этган ўйин, – дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси шифокори Наргиза Обиджоннова. – У билан мунтазам шугулланган боланинг суяклари яхши ривожланади, тез қарор қабул қилиш, вазиятни кўра бириш қобилияти ошади, бир сўз билан айтганда, соғлом ўсади.

Кейинги йилларда Зангиота туманида ўндан зиёд кичик футбол майдонлари барпо этилди. Уларнинг бири Ўртаовул қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Файз” маҳалласида жойлашган. Илгари қараб ётган бунёд бунёд этилган минии стадионда ҳудуддаги “Ёшлик”, “Тинчлик”, “Кўёшли” каби маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи ёшлар ўзлари севган спорт тури билан шугулланмоқда.

“Файз” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилором Камоловнинг айтишича, маҳаллада кичик стадион қурилиши ёшларнинг спортга, соғлом турмуш тарзига бўлган интилиш ва иштиёқини янада оширди. Турли ёшдаги болалардан таркиб топган футбол жамоаларининг тузилгани, улар ўртасида мусобақалар ташкил этилаётгани фикримизни тасдиқлайди.

Мен ишга қатнайидиган йўл бўйида олти минии стадион бор экан. Ушбу стадионлар ҳар доим гужум. Оқшомада ҳам кундуздек ёруғ стадионлар ёшларнинг севимили маскани. Бундай кичик стадионларнинг катта фойдаси ҳақида ўйлайман. Келажақда улар машҳур футболчи бўлмас, лекин соғлом ўсиши, вақтини мазмунли ўтказяётгани шубҳасиз.

Х. САЛИМОВ,
Ўза мухбири.

Пахта – 2014

ВИЛОЯТДА ИККИНЧИ, ТУМАНДА БИРИНЧИ

“Отабек Нур Агро” фермер ҳўжалиги виллоятда иккинчи, Окқўрғон туманида биринчи бўлиб давлатга пахта хом ашёси сотиш шартномасини бажарди.

Рустам Қурбонбоев раҳбарлик қилаётган фермер ҳўжалиги аъзолари 35,7 гектардан шартномадаги 92,8 тонна ўрнига 94 тонна пахта топширдилар. Илгари ҳосилдорлик 20 центнердан ошмаган ердан бу йил биринчи теримдаёқ ўртача 25 центнердан хирмон кўтарилди.

– Ҳосилини тез йиғиштириб олишда 770-отряд таркибиди астойдил меҳнат қилиб, катта ёрдам берган теримчилардан



миннатдоримиз, – дейди фермер. – Қунига 140-150 килограммдан пахта тараётган Жумагул Якулова, Сайёра Қурбонбоева, Лутфия Шарипова, Мусудия Гулойна, Маъмура

Эшонваларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли шундай ютуққа эришдик.

Қосим ШИНТЕМИРОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.

СУРАТДА: (чапдан) ҳўжалик аъзолари Хайрбек Якулов, Зулфия ва Лутфия Шарипова. Абдуҳамид МУСОҚОВ олган сурат.

Қонун устуворлиги

ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИГИ ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

шартноманинг нуқсаси иш ҳўжатларида мавжуд эмас. Ваҳоланки, туман ҳокимлиги билан фермер ҳўжалиғи ўртасида тузилган бундай шартнома-ларнинг талабига кўра, тумонлардан бири шартномани бекор қилиш мўлжали тўғрисида иккинчи томонни шартнома бекор қилиниши сабабларини асослаган ҳолда бекор қилиш санасидан уч ой олдин ёзма равишда хабардор қилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида”ги қарорининг 3-бандига асосан ХПК 6-моддасининг иккинчи қисмига кўра, агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судга ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ҳудуд бўлиб, бундай шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини иxtиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан сўнггина ҳўжалик судида иш кўзгатиш мумкин. (Низоларни судга ҳал этиш (талабнома юбориш) тартиби даъвогар учун фақат қонун

ва шартномада белгиланган ҳолларда мажбурий эканини назарда тутиш лозим.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Ҳўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартриш ва бекор қилиш тартибига солувчи фуқаролик қонун ҳўжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 18-бандига кўра ХПК 384-моддасининг иккинчи қисмида белгилангани, бир тараф шартномани ўзгартриш ёки бекор қилиш ҳақидаги тақлифда иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейинги қисмида тақлифда кўрсатилган ҳудуд қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганда эса, ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин шартномани ўзгартриш ёки бекор қилиш ҳақидаги тақлифни олиш учун нормал зарур бўлган вақт ўтган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Бирок, Янгйўл туман ҳоким-

лиги жавобгар “Абдулҳамид-Абдувоҳид боғи” фермер ҳўжалиғи билан тузилган узоқ муддатли ер ижара шартномасини бекор қилиш учун судга мувожабат этишда шартноманинг ушбу шартларини бажармаган ва жавобгарга талабномани белгиланган вақтда юбормаган.

ХПКнинг 88-моддаси 5-қисмига кўра даъвогар низоли судга ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса ҳўжалик суди даъволи кўрмасдан қолдиради. Бундан ташқари, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида фермер ҳўжалиғи ўзининг тасарруфидида ер майдонини тегйишли рухсатномасиз ўзгартириш қиритиб, узузморларни ўзбошимчилик билан бўзиб ташлагани, 3 йил мобайнида ўз фаолияти бўйича солиқ идораси, туман статистика бўлимига етиштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари турлари ва бюджет тўлови билан боғлиқ ҳисобларни муддатиди топширмагани, айна пайтда фермер ҳўжалигининг бюджет олдиди қарзи мавжуд бўлиб, уни тўлаш чоралари қўрилмагани, фермер

ҳўжалиғи узузмичликка иxtисослашган бўлсада, агротехник талаблар қоникориз бажарилгани, сув-мелиорация тизимларидан ҳўжасизларча фойдалангани, боғ қатор орасига ишлов беришда қамчиликларга йўл қўйилгани, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сотишдан тушган пуллар ҳисоб рақамиди оза бўлгани асос қилиб олинган. Лекин, иш ҳўжатларида, ушбу асосларни тасдиқловчи бирор бир ҳужжат ёки бошқа маълумотлар мавжуд эмас.

Оқоридагиларга кўра, виллоят прокуратураси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида виллоят ҳўжалик суди апелляция судлов ҳайъатига апелляция протести келтириб, апелляция инстанция судининг қарори билан биринчи инстанция судининг мажкур ҳал қилув қарори бекор қилиниб, Янгйўл туман ҳокимининг даъво аризаси кўрмасдан қолдирилди ва фермер ҳўжалиғи раҳбари 3. Вохидовнинг ҳуқуқлари тикланди.

Шухрат ХУСЕНОВ,
виллоят прокуратурининг катта ёрдамчиси, адлия маслахатчиси.

ЎЗБЕК УЗУМИНИНГ ДУНЁ САФАРИ

Ҳўжалик даласига ишқомли йўлдан кириб борасиз. Икки томонга “Бугунги ишни эртага қўйма”, “Меҳнатнинг таги роҳат” каби шиорлар илиб қўйилган. Миллий ганчкорлик услубида қурилган кенг шийфонда фермер ҳисоб-китоб билан банд. Ховуздаги сувнинг жириллаши кишига ҳузур бағишлайди.

– Узумчилик заҳматлари фақат тоқни очиб-қўйишдангина иборат эмас, – дейди фермер. – Озиқлантириш, сугориш, шакл бериш, зараркундаларга қарши курашиш... Ҳосил тақдир шулларга боғлиқ. Қолаверса, ҳосилдорлик ва узумининг сифатини белгилайдиган яна бир муҳим тадбир – хомтоқдир. Бу кузги ва баҳорги тоқ кесилишнинг давоми ҳисобланади. Хомтоқ асосан икки марта, тоқ шўралаб бўлгач, шўра хомтоқ, гуллар гўрага айланган, гўра хомтоқ қилинади. Агар хомтоқлар вақтида қилинмаса, кераксиз новдалар кўпайиб, тоқнинг қувватини олади, натижада узум ҳосилдорлигига ҳам, сифатига ҳам путур етади.

Фермер тоқ қатор ораларига қарам, ловия, лавлагил, картошка, сабзи экишни йўлга қўйган. Ҳосил атрофдаги шифоналар ошқонасига етказиб берилаёттир. Ортгани ишчиларники. Қолаверса, ҳар кун пешинда шу маҳсулотлардан иссиқ таом тайёрланади. Шу йўл билан 27 тонна қўшимча маҳсулот етиштириб, 15 миллион сўм даромад кўришди. Олма, олхўри дарахтлари ҳам ҳосил берапти.

Фермер техникани бут қилишни ўйлайди. Шу мақсадда “Микрокредитбанк”нинг 29 миллион сўм кредитига “ТТЗ-80” ишлов тракторини лизинг усулида сотиб олди. 3 йилга берилган кредит биринчи йилнинг ўзида қайтарилди. Бунда лизингнинг имтиёзли эканлиги қўл келди. Қўшимчасига 8 миллион сўмга омон ҳам олинди. Яна 2 та чопиқ трактори, битта занжирли трактор, 3 та чизель, дори сепадиган ускуналар ҳам бор.

– Россиянинг “Беларусь” тракторини лизинг асосида 110 миллион сўмга сотиб олмақчи эдим, – дейди фермер. – Банкдагилар йиллик устамаси 14 фоиз, дейишди. Бу эса бизга

қимматлик қилапти. Фоизини бироз туширишганда, яна битта техникага эга бўлиб қолардик. Деҳқончиликда техникангиз бут бўлса, ишингиз “беш”. Қолаверса, ўзимиздан ортса, қўшни фермерларнинг қорига ярадик.

Шу йил бошида фермер Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазирлиги ҳамда USAIDнинг AgLinks Plus лойиҳаси орқали “Интенсив боғлар барпо қилиш ва уларнинг агротехникаси” бўйича АҚШнинг Калифорния штатида 24 кун малака ошириб қайтди. Бундан ташқари, Фарғонада “Йлғор узумчилик ва боғдорчилик” мавзусида ташкил этилган семинарда қатнашди. Буларнинг бари иш бериб, фермер қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини сақлаш учун совутгич қуришни мақсад қилди.

– Бизда ҳозиргача маҳсулотларни сақлаш муаммоси бор, – дейди фермер. – Сақлаш йўлга қўйилса, ҳам даромадимиз ошади, ҳам қиш мавсумида узумининг нархи қимматлашиб кетмайди. Қолаверса, қўшимча иш ўринлари очилади.

Фермернинг айтишича, ўсимликларни ҳимоя қилишга сарфланадиган 1 сўм ҳисобига боғдорчиликда ўртача 13-15, узумчиликда 18-20 сўмлик қўшимча маҳсулот (даромад) олиш мумкин. Зараркунанда ва касалликларга қарши ўз вақтида курашилмаса, ўртача 35-40 фоиз ва ундан кўп ҳосил йўқотилади ҳамда маҳсулот сифати пасаяди.

– Биздаги яна бир энг яхши анъана шунки, катталар узумчилик бўйича бор илмини, тажрибасини ёш авлодга ўргатишга интилади, – дейди меҳнаткаш фермер. – Чунки тоққайчи соҳадан беҳабар кишининг қўлига тушса, қанча меҳнат ва машаққат билан яратилган тоқдор тевда хароб бўлади.

Юртимизда узумини қимматбахо маҳсулотга айлантиришнинг усуллари кўп. Масалан, узумдан шарбат, компот, мурabbo тайёрлаш ёки ширин-шакар майиз қуриш мумкин. Бунинг учун озгина хафсала бўлса, бас. Энг муҳими, бу ишларни йўлга қўйиш орқали юзлаб янги иш ўринлари яратилади.

Хуришда ТУРСУНБОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

